

БОБУР ТАЛҚИНИДА РАНГЛАР ЖИЛОСИ
(“ХАЗОН ЯФРОҒИ ЯНГЛИҒ...” МАТЛАЪЛИ ҒАЗАЛИ МИСОЛИДА)

Нурали Шодиёр ўғли ҲАМИДОВ

тадқиқотчи

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада атоқли ўзбек шоири Захириддин Муҳаммад Бобурнинг бадиий маҳорати унинг “Хазон яфроғи янглиғ...” матлаъли ғазалини таҳлил қилиш орқали очиб берилган. Муаллиф ғазал таҳлил қиларкан, асосий эътиборни шоирнинг рангларни англатувчи сўзларни танлаш ва улардан фойдаланиб, гўзал шеърий санъат яратиш маҳоратига қаратади.

Таянч сўзлар: Захириддин Муҳаммад Бобур, ғазал, ҳасби ҳол, шеърий санъатлар, ҳаётсеварлик, хазон, тазод, таносуб.

ПЕРЕЛИВАНИЕ ЦВЕТОВ В ИНТЕРПРЕТАЦИИ БАБУРА
(НА ПРИМЕРЕ ГАЗЕЛЬЯ “КАК ОПАВШИЙ ЛИСТ ОСЕНИ...”)

Нурали Шодиёр углы ҲАМИДОВ

исследователь

Самаркандский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

Аннотация

В этой статье речь идёт о художественном мастерстве прославленного узбекского поэта Захириддина Мухаммеда Бабура. Через анализ газели поэта, начинающейся со строки “Как опавший лист осени...” автор старается раскрыть поэтическое мастерство Бабура.

Ключевые слова: Захириддин Мухаммед Бобур, газель, ҳасби ҳол, поэтические искусства, жизнелюбие, осень, антитеза, таносуб.

Алишер Навоидан кейин ғазал жанрида баракали ижод қилган ва ушбу жанрни ижтимоий оҳанглар билан бойитган шоир, ҳеч шубҳасиз, Захириддин Муҳаммад Бобурдир. Унинг кўп ғазаллари ҳасби ҳол тарзида ёзилган. Уларда адибнинг шахсий ҳаётига оид бўлган кечинмалар жуда ёрқин ва таъсирчан тарзда ифодаланган. Шоир ушбу жанрнинг ижтимоий мотивлар билан бойитилишига катта ҳисса қўшди. Айни пайтга қадар «Бобур девони»нинг тўққизта қўлёзма нусхаси топилган бўлиб, улар Англия, Франция, Ҳиндистон ва Туркия кутубхоналарида сақланиб келинмоқда [1].

Шоир ғазалиётини кузатар эканмиз, унда иккита асосий марказ борлигига гувоҳ бўламиз. Бу марказнинг биринчиси лирик қаҳрамоннинг аҳволи бўлса, иккинчиси маъшуқа таърифидир. Бобур ғазалиётидаги барча тимсол ва ифодалар шу икки марказга келиб туташган.

Бобур ғазалиётининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири ғазал кофияларининг феъллардан ташкил топганлиги уни оғзаки нутққа яқинлаштирганлигидир. Бобурнинг айрим шеърларида ўзни айш билан тутишга, фароғат билан яшашга даъват руҳи устунлиги кузатилади. Аслида булар шоирнинг орзуси бўлиб, унинг ҳаёти фақат машаққат, қийинчилик, уруш-юришларда, таҳлика ва безовталиклар, тўс-тўполонларда ўтгани яхши маълум. Шундай бўлса-да, шоир шеърлятида ҳаётсеварлик, эртанги кунга нисбатан комил ишонч руҳи устуворлик қилади. Шоир бировга тобе ва муте бўлишни хоҳламайди. Кескин хулосалар чиқаришда ҳам ийманиб ўтирмайди.

Бобур ғазалиётида юрт ва Ватанга муҳаббат, эзгу инсоний фазилатлар тараннуми, олийжаноб туйғулар тасвири етакчилик қилади. Бобур ҳаётда ниҳоятда журъатли, мардона, янгиликларга ўч бўлган. Бу хислатлар унинг ижоди учун ҳам хосдир. Шоир ғазалларининг катта қисми 5 ва 6 байтдан ташкил топган.

Бобурнинг яна бир йирик хизмати шундаки, у шеър тилини, адабиёт тилини ҳаётийлаштиришга муносиб ҳисса қўшди. Адабиёт тилининг хоҳ амалдор, хоҳ оддий одам бўлсин; хоҳ илмли, хоҳ оддий авом бўлсин – ҳамма учун содда ва равон, тушунарли, самимий бўлишига интилди. Шу сабабли аксарият ҳолларда шоир шеърларида оғзаки нутққа жуда яқин бўлган оҳанглар очиқ сезилиб туради.

Шарқ адабиётининг бир қисми бўлган миллий шеършунослигимизда бадиият масаласи ҳамиша шеър аҳлининг диққат марказида бўлиб келган. У ёки бу ижодкор салоҳияти ҳақида сўз борганда, унинг нималарни тасвирлагани эмас, асосан, қандай тасвирлаганига эътибор қаратилган. Жумладан, адабий асарларда бадиий тасвир ва ифода воситаларидан

фойдаланиш маҳорати ҳамма асрларда бадиий санъаткорликнинг асосий кирраларидан бири сифатида баҳоланган.

Шуўринда *бадиий тасвир ва ифода воситалари* истилоҳининг маъносига тўхталиб ўтсак. Адабиётшуносликка оид луғатларда «Бадиий тасвир ва ифода воситалари – бадиий асарда нарса-ходисаларни жонли тасвирлаш, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ёрқин ифодалашга хизмат қилувчи тил воситаларининг умумий номи. Адабиётшуносликда ушбу тушунча *фигуралар, синтактик фигуралар, услубий фигуралар, тилнинг поэтик тасвир воситалари, тилнинг бадиий-тасвирий воситалари, тасвирий воситалар* каби турли номлар билан юритилади» [1;49-50].

Бадиий тасвир ва ифода воситалари муайян бадиий тамойилларга асосланади ва улардан энг муҳими бадиий тасвир ва ифода воситаларининг асар мазмуни билан узвий боғлиқлиги саналади. Бу воситаларни қўллашда меъёр масаласи ҳам муҳим бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян ғоявий-бадиий ниятга хизмат қилиши лозим саналади. Буюк ижодкорлар қўллаган ҳар қайси бадиий тасвир ва ифода воситалари ғояни бадиий ифодалаш, лирик ва эпик тимсолларни ёрқин гавдалантириш, асарга жозиба, жило, таъсирчанлик бағишлаш вазифасини бажаради. Бу воситаларнинг қиммати байт (сатр)да яратилган бадиий лавҳалар, тимсолларнинг янгилиги, бетакрорлиги билан ҳам белгиланади.

Бадиий тасвир ва ифода воситалари, аввало, мантиқий заминга эга бўлиши, яъни қўлланаётган восита ҳаёт мантиқиға мос келиши, унга зид бормаслиги шарт. Уларга қўйиладиган талабларнинг яна бири уларда ифодаланган тимсолларнинг ўқувчилар оммасига тушунарли бўлишидир. Бу тимсолларни ўқувчи англаб етмаса, улар ўз моҳиятини йўқотиши муқаррардир. Яна бир муҳим талаб уларнинг нафосат қоидасига ҳам мувофиқлиги, ҳар қайси бадиий лавҳа, тимсолнинг ўқувчида гўзал ҳис-туйғулар, тасаввурлар уйғотиши зарурдир. Бадиий тасвир ва ифода воситаларини моҳирона қўллаш, албатта, шоирнинг бадиий тафаккур

салоҳияти, она тилининг чексиз гўзалликларидан фойдаланиш иқтидорига боғлиқдир.

Бадиий тасвир ва ифода воситаларидан саналган шеърий санъатлар шарқ мумтоз адабиётининг, шу жумладан ўзбек адабиётининг ўзига хослиги, миллийлиги, латофати, назокати, ранго-ранглиги, жозибадорлиги ва таъсирчанлигини ифодаловчи тасвир воситасидир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, шоирлар ижодида бир байтда бирдан ортиқ поэтик тасвир воситаларидан фойдаланиш уларнинг бадиий салоҳияти ва иқтидорини ўлчаш мезони саналган. Шу сабабли шеъриятимизда биргина байтда бирдан ортиқ шеърий санъатни қўллаш ҳолати шоирлар учун одатий ҳол саналган. Уларни ўз ўрнида ва ўз меъёрида қўллай олиш шоир маҳоратининг даражасини белгилаб берган. Бобурнинг кўплаб ғазаллари ўз муаллифининг юксак бадиий иқтидоридан дарак беради.

Бунинг исботи сифатида Бобурнинг “Хазон яфроғи янглиғ...” матлаъли ғазали таҳлилига мурожаат қиламиз:

*Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўриб раҳм айлагил, эй лоларух, чеҳраи зардим.*

*Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни ҳаргиз,
Аёгингга тушуб, барги хазондек мунча ёлбордим.*

*Латофатгулишанида гул каби сен сабз-у хуррамқол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.*

*Хазондек қон ёшим сориг юзундин эл танаффулда,
Баҳар ранге, биҳамдиллоҳ, улусдин ўзни қутқордим.*

*Не толедур мангаким, ахтари бахтим топилмайдур,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардин ахтардим.*

*Улуснинг таън-у таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўткардим [3;5].*

Ушбу ғазал Бобур шеъриятининг энг яхши намуналаридан биридир. Ундаги бадиият ниҳоятда гўзал ва таъсирчан шаклда намоён бўлиб, таносуб, тазод, ташбеҳ каби шеърий санъатларнинг жуда гўзал ва ёрқин намунаси мужассамлашган. Шунингдек, ғазалда лирик қаҳрамон – ошиқнинг висол

соғинчидаги аҳволи рангларнинг бетакрор ифодалари орқали маҳорат билан тасвирланган.

Атоқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг қайд этишича, туркларнинг ҳаёти, дунёқарашини, инонч-эътиқоди, урф-одатларида тўрт ранг – оқ, қора, кўк, қизил алоҳида маъно касб этган ва “маънавий ранглар” дея таърифланади [4;44]. Бобур ушбу ғазалида ана шундай маънавий ранглардан бири қизил рангга сариқ рангни қаршилантириб, ўзига хос фикрий мукамалликка эришган.

Шоир куз манзарасини ва унга ўз муносабати ҳамда туйғуларини шарҳи воситасида соғинч ва дардни, айрилиқ фожиасини жуда таъсирчан ва ишонарли тарзда ёритиб берган бўлиб, бу соғинч ва дард байтдан байтга кучайиб боради.

Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,

Кўриб раҳм айлагил, эй лоларух, чеҳраи зардим.

Шоир бу байтда ранглар билан боғлиқ “хазон яфроғи”, “гул юз”, “сарғардим”, “лоларух”, “чеҳраи зард” каби сўз ва сўз бирикмалари орқали фикрини бетакрор равишда, шоирона мукамал тасвирлаган; ҳижрон азоби сабаб ошиқнинг юзи “хазон яфроғи янглиғ” сарғайган, унинг бу аҳволидан беҳабар маъшуқанинг юзи эса бепарволикдан “гул” каби яшнайдиган. Шоир лирик қаҳрамон ҳолатини ҳажр ўтидан сариқ тусга кирганлигини “чеҳраи зард”, яъни “сариқ юз” истиораси билан, бу ҳолга бепарво маъшуқани эса “лоларух”, яъни “лола (қизил) юз” истиораси билан ифодалаб, маънони кучайтирган. Бу байтда сариқ ранг қизил ранг билан ўзаро зид қўйиляпти. Ранглар тўғридан тўғри қўлланилганда, балки улар орасидаги зидлик кузатилмаган бўларди. Бироқ уларнинг ўз аниқловчиси билан қўлланилиши – “лоларух”, “чеҳраи зард” бу икки ранг ўртасидаги қарама-қаршилиқни юзага келтиряпти.

Шоир ғазал матлабсида тазод (“хазон яфроғи” – “гул юз”, “лоларух” – “чеҳраи зард”), истиора (“лоларух” – маъшуқа, “чеҳраи зард” – ошиқ), сифатлаш (“хазон яфроғи янглиғ”), таносуб (хазон яфроғи – ҳажр –

сарғардим – чехрайи зард) сингари шеърӣ санъатлардан моҳирлик билан фойдаланган.

*Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни ҳаргиз,
Аёгингга тушуб, барги хазондек мунча ёлбордим.*

Иккинчи байтда келтирилишича, маъшуқа сарвдек тик қоматли ҳамда завол билмас бўлганлиги учун унга хазон офати бегона. Шу сабаб, у ошиқнинг аҳволини тушунишни истамай, саркашлигини – ўжарлигини ҳеч қачон қўймайди. Бу байтда ҳам шоир бетакрор тасвир ифодалардан маҳорат билан фойдаланган, чунки инсон табиати шундай: беташвиш, қувончли кунларида ҳамма кўзига бахтли кўриниб, ҳаёт қийинчиликлари эса арзимас туюлади ва унга учраганлар нотавон кўринганлиги учун уларнинг тақдири билан қизиқмайди. Шу сабабли ёр сарв каби осмонга интилса, унинг ишқида куйган ошиқ хазонга айланган япроқлар сингари сарв (ёр)нинг тагига – оёқлари остига тўшалади.

*Латофат гулшанида гул каби сен сабз-у хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.*

Мумтоз шеърятимизда шодлик, висол кўпинча баҳор билан, айрилик, ҳижрон эса куз билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Байтда ўзини ишқ йўлига бахшида этган ошиқнинг фидойилиги ва самимийлиги тасвирланган: гарчи у дунё боғидан хазон баргидек кетаётганлигини билса ҳам, маъшуқасининг “латофат гулшани” – ҳаёт бўстонида “сабзу хуррам” – ҳамиша яшил (ёш) ва қувноқ бўлиб қолишига тилак билдиради ва шунга ишонади. Шоирнинг наздида умр боғга ўхшайди ва у кузда, хазонрезги пайтида баргнинг боғдаги дарахтлардан узилиб, боғ ташқарисига чиқишини инсоннинг оламдан ўтишига ўхшатади. Албатта, бу ҳолатлар ўртасидаги яқинликдан шоир бадий детал сифатида фойдаланган. Бу ерда маъшуқага билдирилаётган тилак ҳам эътиборли: лирик қаҳрамон ўзи хазон баргидек оламдан узилиб кетса-да, маъшуқасига ҳар қандай ҳолда ҳам у гўзал ва хушнуд бўлиши кераклигини тилаяпти. Шунисига алоҳида эътирофга сазоворки, шоир ушбу мисралар орқали лирик қаҳрамонни буюк муҳаббат эгаси бўлган ошиқ

сифатида тасвирлаган: у ўз ҳалокати яқинлигини билса-да, маъшуқасининг ҳамиша соғлом ва шодон яшашини истайди. Буни ғазалхон онгига тўлақонли етказиш учун шоир энди сариқ рангга яшил рангни қаршилантиради: латофат гулшанидаги сабзлик – яшиллик ҳамда хазон япроғидаги сариқлик.

*Хазондек қон ёшим сориг юзундин эл танаффулда,
Баҳар ранге, биҳамдиллоҳ, улусдин ўзни қутқордим.*

Байтда шоирнинг маҳорати билан хазон фаслининг қизил ва сариқ ранглари ошиқнинг кўз ёши ва юзига кўчирилади: шоир айни манна шу ҳолатларни назарда тутган ҳолда кўз ёшини ҳам, ўз юзини ҳам хазонга ўхшатади, яъни ошиқ ўзининг қон (қизил) кўз ёши, сариқ юзи билан элнинг, яъни рақибларининг нафратига учрайди. Чунки бундай руҳий ҳолатдан бегона кўнгилининг лирик қаҳрамон қалбидан ўтаётган кечинмаларни тушунмаслиги табиий. Лекин ошиқ бошқа ранглар воситасида бу нафратдан бир амаллаб қутулганига шукрона айтади.

Шуниси эътиборга сазоворки, шоир лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини очиб бериш учун “хазон” сўзини кетма-кет ғазалнинг биринчи байтидан тўртинчи байтигача мустақил ва бирикма таркибида қўллаган: 1-байтда – *хазон яфроғи* бирикмаси таркибида, 2-байтда – *барги хазон* бирикмаси таркибида, 3-байтда – *хазон яфроғидек* бирикмаси таркибида, 4-байтда – *хазондек* мустақил сўзи шаклида. Аслида бадиий адабиётда сўз такрори бадиий ғализликни келтириб чиқарса-да, бундай такрор ғазалнинг бадиий қимматини оширишга хизмат қилган, яъни лирик қаҳрамон – ошиқнинг руҳий ҳолатини тўлақонли очиб беришга хизмат қилган.

*Не толедур мангаким, ахтари бахтим топилмайдур,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардин ахтардим.*

Бу байтда, олдинги байтларда фарқли равишда, хазон, барг тушунчалари орқали ифодаланган инсон умри, унинг кун, ой, йиллари янги бир истиора – китоб саҳифалари – варақлар шаклида тилга олинган. Лирик қаҳрамон ўз тақдирдан ҳайрон, у ўзининг бахт юлдузини тополмайди. Ваҳоланки, у ўз умри давомида шунигина излаб келмоқда, умрнинг ҳар бир

лаҳзаларига тегишли дафтарнинг ҳар бир варағини астойдил ва мунтазам кидирмоқда. Ошиқ “фалак авроқи”ни – яъни қисмат варақларини ҳар неча ахтарса ҳам, ўз “*ахтари бахт*”и – бахт юлдузини топа олмаганидан шикоят қилади. Хўш, Бобур учун “*ахтари бахт*” нима? Бизнингча, унинг бахт юлдузи – Ватан! Чунки ҳар бир инсон ўз юртида ҳақиқий бахт-саодатга эришади. Бу изох талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Улуснинг таън-у таърифи манга, Бобур, баробардур,

Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўтқардим.

Ғазал мақтаъси бўлган бу байтда чин ошиқнинг кайфияти бетакрор тарзда тасвирланган, чунки ошиқ учун элнинг таънаси ҳам, мактовви ҳам фарқсиз. Бу бошқаларни менсимаганлиги ёки бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларига эътиборсизлиги учун эмас, балки ҳаётда ҳаддан ташқари кўп ходисаларга дуч келгани, оламда кўплаб яхши-ёмон воқеаларни бошдан ўтказгани учундир. Лирик қаҳрамон одамзот табиатининг барча яхши-ёмонидан ўтса ҳам, ИШҚ шуъласи воситасида ўзлигини сақлаб қола олган. Бу шундай ишқки, бевосита ошиқ у орқали ҳақиқий, илоҳий ишққа мушарраф бўлади, бу – Ватан ишқидир! Ғазал мақтаъсини бевосита шоир таржимаи ҳолига оид руҳий-маънавий хулоса деб олишимиз мумкин: ўз она диёридан қисмат ўйинлари сабаб айро тушган лирик қаҳрамон Ватан ишқи йўлида турли савдоларни бошидан кечирган бўлса ҳам, тақдир йўлларидаги ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзлигини йўқотиб қўймаган. Шу сабабли ғазални ўқиганимизда, лирик қаҳрамоннинг ўз мустақил ва ҳеч кимга бергусиз дунёси борлиги унинг ўзига ҳам тасалли, ҳам умид бағишлаб турганини сезиш қийин эмас.

Ғазалда шоир ошиқ ҳолати, кайфияти ва қатъиятини тасвирлашда бир қатор мумтоз шеърий санъатлардан, бадиий тасвир воситалари билан биргаликда ранглар маъноси ва уларга боғлиқ қарашлардан моҳирлик билан фойдаланган. Айниқса, ғазалда тасвирланаётган ҳолатнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида деярли ҳар бир байтда *тазод – қаршилантириши* санъатини ўз ўрнида қўллай олган. Бу санъатни юзага келтиришда рангларни

англатган сўзлардан ўринли фойдаланиш натижасида ғазалнинг бадиий қиммати ошган.

Шу биргина ғазалнинг ўзиёқ шоирнинг нақадар буюк истеъдод соҳиби эканлигига яхши бир далолатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қуроноф Д., Ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 408 б.
2. Ҳайитов Ш.М. Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча-туркча манбалар қиёсий таҳлили): филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, ЎзМУ, 2018. – 52 б.
3. Ҳасанов С. Махрами асрор топмадим (Париж девони нусхаси. Шеърлар). – Тошкент, 1993. – 142 б.
4. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2 қисм. – Тошкент: Фан, 2011. – 198 б.
5. www.ziyo_istagan_qalblar.uz.
6. www.tafakkur.uz.